

**ТАЛАБАЛАРНИНГ ПРАГМАТИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ КОРПУСЛИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК-
ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

Хайруллаева Нилуфар Азамжон кизи
Андижон вилояти ПЙМЎММ ўқитувчиси

Анотация:

Ушбу мақолада Прагматик компетенция компонентларини корпусли технологиялар асосида ривожлантириш имкониятининг, корпуслар ва корпусли тилунослик/лингвистиканинг ривожланиши ҳақида сўз боради

Калит сўзлар: Прагматик компетенция, корпусли технологиялар, ижтимоий компонент, компенсатор компоненти нутқ компоненти

Коммуникациянинг ижтимоий контекстлари ва контекст иштирокчиларининг ижтимоий ролини талқин қилиш қобилияти, ҳамда коммуникациянинг ижтимоий мақбул услубини қўллаш қобилиятини тақозо этадиган ижтимоий компонентни корпусли технологиялар воситасида ривожлантириш мумкин. Ижтимоий компонентни корпусли технологиялар воситасида излашни амалга ошириш мумкин бўлган параллел ва изоҳ берувчи маркерларга ўқитиш асосида шакллантириш мумкин.

Маданиятлараро шахслараро ўзаро фаолият шароитларида она тили ва хорижий тил мамлакатларининг маданий аспекти ҳақида олинаётган ахборотни талқин қила олиш қобилияти, ҳамда мулоқот жараёнида коммуникатив вазифаларни ечиш мақсадида она тили ва ўрганилаётган тил мамлакатларининг маданиятлари ҳақидаги билимларни қўллаш олиш қобилиятини ўз ичига оладиган ижтимоий-маданий компонентни корпусли технологиялар ёрдамида тўлақонли тадқиқ қилиб бўлмайди. Зеро, конкордансда маданиятшунослик/культурологик ҳаволаларни излаш ўта қийин иш.

Ҳамсуҳбатнинг нутқ жанрлари, нутқий баён (фикр, ғоя, тушлунчанинг) когезияси ва когерентлигини танлаганлигини талқин қила олиш қобилияти, ҳамда нутқ мулоқотини коммуникатив вазифаларни ечиш учун нутқ баёнини қуриш қоидаларига мувофиқ танлаш ва амалга ошириш қобилиятини ўз ичига оладиган нутқ компонентини корпусли технологияларни қўллаш ёрдамида тадқиқ қилиш ва шакллантириш мумкин.

1.3.1-жадвалда турли прагматик малакаларнинг корпусли технологиялар асосида ривожлантириш имкониятининг тасвирини топиш мумкин.

Прагматик компетенция компонентларини корпусли технологиялар асосида ривожлантириш имкониятининг тасвири

Компонент	Компонентнинг қисқа тасвири	Малакаларнинг корпусли технологиялар воситасида ривожлантириш имконияти
Ижтимоий компонент	<ul style="list-style-type: none"> - коммуникациянинг ижтимоий контекстларини ва мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий ролларини талқин қилиш қобилияти; - коммуникациянинг ижтимоий мақбул услубини танлаш қобилияти 	+ +
Социолингвистический Компонент	<ul style="list-style-type: none"> - ҳамсуҳбатнинг ижтимоий портретини яратиш учун нутқий банни (ижтимоий маънолар, регистрнинг вариациялари ва модаллик) талқин қилиш қобилияти; - мулоқот жараёнида коммуникатив вазифаларни ечиш учун она тили ва ўрганилаётган тил мамлакатлари маданияти ҳақидаги билимларни қўллаш; 	+
Ижтимоий-мадагний компонент	<ul style="list-style-type: none"> - маданиятлараро шахслараро ўзаро фаолият шароитларида она тили ва хорижий тил мамлакатларининг маданий аспекти ҳақида олинаётган ахборотни талқин қила олиш қобилияти; - коммуникатив вазифаларни ечиш учун она тили ва ўрганилаётган тил мамлакатлари маданияти ҳақидаги билимларни қўллаш қобилияти; 	- -
Нутқ компоненти	<ul style="list-style-type: none"> - ҳамсуҳбатнинг нутқ жанрлари, нутқ баёнининг когезияси ва когерентлигини тьянловини талқин қилиш қобилияти; - коммуникатив вазифаларни ечиш учун нутқ хабарини нутқ баёнини куриш қодаларига мувофиқ танлаш ва амалга ошириш қобилияти 	+ +
Компенсатор компоненти	<ul style="list-style-type: none"> - қайта сўраб олиш, ойдinлик киритиш, ахборот-маълумотнома ресурсларидан фойдаланиш йўли билан тилда ва ижтимоий-маданий билимлардаги камчиликларни бартараф этиш/тўлдириши қобилияти 	+

Шу тариқа, биз корпусли лингвистика, электрон лисоний/лингвистик корпус ва корпусли технологияларнинг таърифларини ўрганиб чиқдик. Корпуслар ва корпусли тилунослик/лингвистиканинг ривожланиши ҳақида қисқа тарихий маълумот бердик. Бундан ташқари, биз лисоний/лингвистик корпусларнинг хоссаларини, ҳамда

турлари/типларини кўриб чиқдик. Дидактик хоссаларни мажзур ва факультатив турларга бўлиш таклиф этилди. Шунингдек, прагматик компетенция компонентларини корпусли технологиялар ёрдамида шакллантириш имкониятлари тадқиқ қилинди. Амалга оширилган таҳлил: ижтимоий, ижтимоий-лисоний, нутқий ва компенсатор компонентларни бундай шакллантиришнинг имконини мавжудлигини кўрсатди.

Педагогик шароитларни қўйиш ва аниқлаш педагогик изланишларда ажралмас бир босқич ҳисобланади. Ушбу диссертацион тадқиқот доирасида биз прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантириш учун педагогик шарт-шароитларни ўрнатишга уриниб кўрамиз.

“Шарт-шароит” (шарт) тушунчасини фалсафада фундаментал тушунчалардан бири деб тан олиш керак. Фалсафада шароит объектнинг ўзини ўраб турган муҳит билан ўзаро фаолияти, уларнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсир кўрсатишининг кўрсаткичи ҳисобланган қайси бир категория бўлиб хизмат қилади.

Турли олимлар “шарт-шароит” тушунчасини турлича талқин қилшади. Шароит-шароитни қандай тушуниш мумкинлигига кўра уч йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, бир нарсанинг (ҳодиса, жараён, тушунчанинг) бошқасидан боғлиқлиги (тобелигини) ўрнатиш шарт ҳисобланади. Иккинчидан, ҳаёт фаолиятининг қайси бир соҳасида амал қиладиган қоидаларни шарт (шарт-шароит) деб аташади. Учинчидан, шарт-шароит муайян амаллар/ҳаракатлар амалга ошиб бораётган қайси бир муайян вазиятдир.

Психология ва педагогика доирасида шарт-шароитлар одатда бироз бошқача талқин қилинади. Одатда, психологлар шарт-шароитга ташқи ва ички омилларнинг ўзаро фаолиятининг ҳосиласи деб қарашади. Бу омиллар инсоннинг психологик ривожланишига муайян таъсир кўрсатади.

Педагогикада шарт-шароитларга бўлган қарашлар анча кенг ҳисобланади. Ички ва ташқи омиллар инсоннинг нафақат психологик ҳолатига, балки шахснинг жисмоний ривожланиши, хулқ-атвор хусусиятлари, ахлоқи/маънавияти, ва унинг (шахснинг) умуман шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади (Полонский В.М., 2004).

Юқорида келтирилган фикрлар асосида “шарт-шароит” тушунчасининг умумилмий табиатини тан олиш лозим.

“Педагогик шарт-шароитлар” атамасига келсак, бу атамага ҳам турли таърифлар берилган. Масалан, олим В.И. Андреевнинг асарида, улар “ўқитиш жараёнининг муайян дидактик мақсадларга эришиш учун ўқитишнинг мазмун элементлари, методлари, ҳамда ташкилий шакллари мақсадга йўналтирилган саралаб олиш, куриш (лойиҳалаштириш) ва қўллашнинг натижаси ҳисобланган вазиятлари” деб таъриф берилган (Андреев В.И., 1996, 1 б.). Шу билан бирга, олим М.Е. Дурановнинг фикрича, педагогик шарт-шароитлар муайян омилларни амалга ошириш учун зарур ҳисобланадиган ташқи вазиятлар билан изоҳланиши зарур (Дуранов М.Е., 2002).

Замонавий педагогикада “педагогик шарт-шароитлар” атамасидан ташқари бошқа ўхшаш тушунчаларни ҳам учратиш мумкин. Психологик-педагогик шарт-шароитлар бундай тушунчаларнинг биринчиси ҳисобланади. А.О Малихин (2000), А.В. Лисенко (2005), Н.В. Журавская (2011) каби олимлар педагогик шарт-шароитларни таҳсил олувчилар ва таҳсил берувчининг ўзаро фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган маълум бир чоралар деб тушунишади.

Шунингдек, “ташкилий-педагогик шарт-шароитлар” тушунчаси ҳам мавжуд. Бу тушунча тарафдорлаори бўлган олимлар (Беликов В.А., 2004) шахснинг риволанишига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллардан ташқари, ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг устидан назорат қилишни ҳам қўшишни таклиф қилишади. Педагогик шарт-шароитларнинг юқорида номи келтирилган турларидан ташқари, бошқа турлари ҳам мавжуд, масалан, дидактик шарт-шароитлар. Бироқ, ушбу тадқиқот доирасида психологик-педагогик шарт-шароитларга риоя қилиш кўп жиҳатдан тўғри бўлади, зеро биз мотивацияни психологик шарт-шароит сифатида, ҳамда бир қатор педагогик шарт-шароитлардан фойдаланамиз.

Ушбу тадқиқотга нисбатан қўлланилганда, биз биринчи навбатда, қуйидаги психологик-педагогик шарт-шароитни ажратамиз: таҳсил олувчиларни прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантиришга рағбатлантириш (мотивация қилиш).

Юқрида келтирилган психологик-педагогик шартни тушунтиришни мотивацияни ҳодиса сифатида ўрганишдан бошлаш лозим. РМВОК¹ таърифига кўра, мотивация одамларга ишлаб чиқаришнинг юқори даражасига эришиш ва ўзгариш учун тўсиқларни енгиб ўтишга имконият беришдан иборат. Психологлар эса мотивация ҳодисасига/феноменига муносабатларига боғлиқ равишда мотивацияга турли таърифлар берганлар ва улар қуйида санаб ўтилади.

Даставвал, аксарият олимлар инсоннинг эҳтиёжлари, ва мотивациясининг моҳияти ҳам туғма хосса бўлади деган фикрда бўлганлар. Бироқ. Кейинчалик, бу ҳолат бундай эмаслиги: яъни, шахснинг қандай вазиятларда ривожланиши, ҳамда унинг генетик мойиллиги шахс психикасининг шаклланишида ягона ҳал қилувчи омиллар эмаслиги исбот қилинди. Бу рағбатлар/мотивларнинг туғма эканлиги ғояси асоссизлигини исбот қилди. Аксинчи одамлар кўп жиҳатдан ҳайвонларга ўхшаган бўлар эди.

Мамлакатимиз психологлари инсонда рағбатлар/мотивлари қай тарзда/қандай пайдо бўлиши масаласни тадқиқ қилишди ва бунинг натижасида фаолият назарияси пайдо бўлди. Психологлар инсоният тажрибаси ва ижтимоийлашув жараёнининг ролига урғу беришган. Ёруғ дунёга туғилгач, чақалоқнинг ташқи оламдан улкан ҳажмдаги ахборот олиши ўз ўзидан яққол аён .

Фаолият назарияси доирасида инсонга ёпиқ тизим сифатида қаралмайди. Ушбу тизимнинг тўғри ва самарали амал қилишини амалг аошириш учун инсон ва уни ўраб турган муҳит томонидан яқиндан ўзаро йўналтирилган ҳаракати талаб этилади. Инсон эҳтиёжлари фақат бу эҳтиёжларни шакллантиришнинг асосий омили ҳисобланган ташқи муҳит томонидан чекланади. Булар қаторига эҳтиёжларнинг – биологик эҳтиёжлардан бошлаб маънавий эҳтиёжларгача барча турлари ва даражаларини ўз ичига олади. Инсон фаолияти тўхтамас бўлиб, унинг оқибатида эҳтиёжларнинг тўла қондирилишига эришишнинг имкони йўқ, зеро, эҳтиёжда тўйинганлик даражасининг бўсаға, чегараси мавжуд эмас, бу эса, албатта, нуқсон/камчилик эмас, балки ривожланиш омили сифатида намоён бўлади.

Фаолият назариясида рағбат/мотив каби тушунча мавжуд. Рағбат/мотив инсон эҳтиёжини у ёки бошқа даражада қондириш учун хизмат қиладиган маълум бир/қандайдир бир объектни ифодалайди. Бошқа сўзлар билан айтганда, рағбат/мотив – инсонни фаолиятнинг у ёки бошқа турига илгари сурадиган нараса/туйғу/ҳиссиёт/фикр/ғоядир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арутюнов А.Р. Теория и практика создания учебника русского языка для иностранцев. -М.: Русский язык, 1990. 198 с
2. Azizxo‘jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. T.: TDPU, 2003. – 174.b.
3. Арутюнов А.Р. Теория и практика создания учебника русского языка для иностранцев. -М.: Русский язык, 1990. 198 с
4. Вербицкий А.А. Контекстное обучение и становление новой образовательной парадигмы. Жуковский: 2000. - 142 с.
5. Gaffarov В Изучение морального самосознания студентов педагогического вуза. Современные проблемы науки и образования. – 2014. – № 3